



TÜRKISTAN

janubiy.kz
1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Жанубий Қозғистон

2020 йил 21 март, шанба. №31 (2806).

КУН ТАРТИБИДА – ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ

ҚАСИМ-ЖҮМЕРТ ТҮҚАЕВ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН
ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШДИ

Давлатлар раҳбарлари коронавирус пандемиясининг тарқалиши билан бөглиқ вазиятни муҳокама қилдилар ва ушбу эпидемияга қарши кураш чоралари түғрисида ахборот алмашдилар.

Шавкат Мирзиёев қозғистонлик ҳамкашынинг ўз вақтида қабул қилинган тезкор қарорлари ва самарали саъй-харакатларини кўллаб-кувватлашини билдири.

Президентлар юксак даражадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва икки мамлакат ҳукуматларини фаолиятини мувофиқлаштиришга келишиб олдилар.

Учрашув чоғида томонлар Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир ишларни биргаликда давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ 6 АПРЕЛДАН МАСОФАДАН ЎҚИШГА КЎЧАДИ

Буни Таълим ва фан вазири Асхат Аймагамбетов фейсбук саҳифасида маълум қилди.

– Иш бир неча йўналиш бўйича олиб борилмоқда. Масалан, вазифалар бериш, уларнинг бажарилишини текшириш, баҳолаш ва қайта алоқани таъминлайдиган ахборий тизимларни жорий этиш кўзланмоқда. Ўқувчилар видеодарсларда қатнашиб, топшириқлар олиб, керак вақтда педагогларнинг ўз синфи билан онлайн-таҳлил, баҳолаш бўйича ёки видеостриминг хизматларидан фойдалана олишини кўзда тутадиган тизимларни жорий этиш ҳам режалаштирилмоқда. Телеканаллар орқали дарс ўтишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Унда видеодарслар дарс жадвалига қараб кўрсатилади, – деди А. Аймагамбетов.

ҚозАхборот.

ТУРКИСТОНЛИКЛАР ЭҲТИЁТКОРЛИККА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

Вилоят марказида “Туркистонликлар эҳтиёткорликка даъват этади” акцияси ўтди.

Унда сўзга чиқкан ёзувчи, “Алаш” Ҳалқаро адабий мукофотининг соҳиби Марҳабат Байғут дунёни алғов-далғов қилган касалликни сабр, аҳиллик ёрдамида енишимиш мумкинлигини таъкидлadi.

– Бугунги кунда миңтақада оғир касалликка тўсиқ қўйиш чоралари тегишли даражада кўрилмоқда. Х. А. Яссавий номидаги ҲҚТУ талабалари тўлиқ уйга қайтирилиб, масофадан ўқитиш тизимига кўчирилди. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир қозғистонлик ўз даражасида эҳтиёткорлик чораларининг бажарилишига эътибор берса, бу синовни ҳам ортда қолдирамиз, – деди сўзга чиқкан профессор Бекжигит Сердали.

Сайрам туман фахрийлар кенгаши раиси Байназар Алибек эса коронавирус инфекциясини ички иммунитетимизни кучайтириш орқали енишимишни таъкидлadi.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ЖАДАЛ АЛОҚА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Туркистон шаҳрида озиқ-овқат баҳосининг асоссиз ўсишини назорат қилиш мақсадида “жадал алоқа” ишга туширилди. Агар фуқаролар озиқ-овқат баҳоси кўтарилиганини пайқаса, 8(72533) 5-93-28 ва 8 747693 5285 рақамларига кўнғироқ қилиб, аҳволни етказишлари мумкин.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭЛБОШИ МУРОЖААТНОМА ЙЎЛЛАДИ

ТҮНГИЧ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТАН НАЗАРБАЕВ
ҚОЗҒИСТОН ҲАЛҚИГА МУРОЖААТНОМА ЙЎЛЛАДИ



– Бугунги кунда барчамиз коронавируснинг дунёйи пандемияга айланганига гувоҳ бўлиб турибиз, дейилади Муржаатномада. – Айни пайтда вирус ер шаридаги 155дан зиёд давлат, шу жумладан, Қозғистоннинг ҳудудида ҳам тарқамоқда. Инфекциянинг географик майдони жадал кенгайиб бормоқда. Бу аҳвол ҳалқаро иқтисодий танглика – хомашё, валюта ва молия бозорларидаги танглини ҳам кучайтироқда. Буларнинг барчасидан мамлакатимиз ҳам мустасно эмас.

Бошқача қилиб айтганда, биз ҳозир “мислсиз довул” деб айтишга бўладиган улкан хавф-хатар олдида турибиз. Ҳал этиш йўлларини топиш жиҳатидан глобал бўлиб турган ҳозирги аҳвол бир томондан 1990 йиллар бошидаги вазиятга ўхшайди. У пайтда биз чин маънода жуда қийин шароитда бўлгандик. Ҳудди шундай қийин даврда мен барча қозғистонликларни мамлакат Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тезкор чораларни кўллаб-кувватлашга чақираман.

(Мурожаатноманинг тўлиқ матнини [elbasy.kz](#) сайтидан ўқий оламиз)



Хурматли ватандошлар!
Қадрли ҳамюртлар!

Дунёдаги йирик мамлакатлар пандемия иплатининг олдини олиб, бутундунё алғов-далғов бўлиб турган бир пайтни бошдан кечирмоқдамиз. Бу Қозғистон учун ҳам улкан синов. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелулининг элизимизда илк бор жорий этилган фавқулодда вазият муносабати билан Ҳукуматга аҳолини коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш чораларини кучайтириши топширганидан хабариниз бор. Бу – энг аввало, ҳалқимизнинг саломатлиги учун қабул қилинган қарор.

Тарихимизга назар ташласак, ҳалқимиз ўта қийин замонларни бошидан ўтказиб, не бир оғатлардан омон қолган. Шундай матонат, бирлик ва ҳамжиҳатлик туфайли қозокнинг қаймоғи бузилмади, байроғи қуламади. Шунинг учун, бу дунёйи дардни одамзод боласининг бошига келган синов сифатида қабуллаб, ҳар бирингизни сабр-тоқатли бўлишга қаҳирамиз. Тотувлик, ҳамжиҳатлик, бирлик бор жойда элизимиз бу сафар ҳам тўсатдан келган ушбу қийинчликни биргаликда енгиги ўтишига шубҳам йўқ.

Эҳтиёткорлик чораларини қўриб, сабр-қаноат сақлайлик!

Шундай синовли даврда ҳам барчангизни бирлик ва тотувлик, меҳнат, эзгулик ва баҳт байрами, қолаверса, йил боши сифатида нишонланадиган Улуснинг улуғ куни – Наврӯз байрами билан чин дилдан табриклишга ижозат берсангиз. У – аждодларимизнинг қадимдан бери нишонланиб келаётган, бизга қолдирган омонати, яхшилик ва ҳамжиҳатликнинг, янги куннинг тимсоли. Анъанага айланган Улуснинг улуғ кунида – одамлар булоқлар кўзини очиб, кўчат эккан, бева-бечораларга ёрдамлашган. Олиса кетган жигарлар қайта топишган, аразлашган кишилар ярашишган.

Бу куни қувонмаган, шодланмаган, меҳрсиз одам қолмаган. Шунинг учундир Наврӯзни ҳар бир элнинг орзиқиб кутиши... Доно ҳалқимизнинг дастурхонини ноз-неъматга тўлдириб, элизимизга баҳт қўнадиган кун Улуснинг улуғ куни, дея байран қилиши... Қозокиликнинг қаймоғи бузилмаган бизнинг Туркистон вилояти учун ҳам Наврӯз байрамининг ўрни бўлак.

Йил ўтган сайин қадим шаҳримиз турланиб, янгиланиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Минтақа фуқароларининг турмуши фаровонлашмоқда.

Албатта, бу улкан ютукларга даставал, Сизларнинг, маҳаллий ҳалқнинг оқ фотиҳаси, астойдил меҳнати, бағрикенглиги, чинакам ихлос ва ишончи сабаб, десам муболага бўлмайди.

Олдимизда улкан мақсадлар туриди. Янги йилнинг ҳам бизни порлоқ келажакка бошлишига ишонамиз. Энг мухими, элизимизда қандайди вазият юз бермасин, муштдек бирлашиб, ушбу қийинчилликларни биргаликда енгигизимиз лозим. Ҳамжиҳат бўлайлик.

Сизларни Наврӯз айёми билан яна бир бор қутлаб, ҳар бир оиласига яхшилик, тинчлик ва бирлик, хотиржамлик ва омонлик тилаймиз. Улус хайрли бўлсин! Оқ мўл бўлсин! Улкан айём сизларга фақат яхшиликлар сийласин! Элизимиз омон, юртимиз тинч бўлсин!

Ўмирзак ШЎКЕЕВ,
Туркистон вилояти ҳокими;
Қайрат БАЛАБИЕВ,
Туркистон вилоят маслаҳатининг котиби.



БАҲОЛАР ПАРТИЯ НАЗОРАТИДА

Куни кече NUR OTAN партияси вилоят филиалининг ташкилотчилигига Туркестондаги "Құаниш" марказий бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосига мониторинг юритилди. Ишчи гурӯх таркибига партия вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Б. Тажибаев, тадбиркорлик ва савдо, қишлоқ хўжалиги бошқармалари, бозор раҳбарияти ва ОАВ вакиллари киритилган эди.



Мониторинг чоғида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-навоси таҳлил қилиниб, аҳолининг талаб-истаклари тингланди. Бозор раҳбарлари ва тадбиркорларга баҳоларни асоссиз кўтармаслик зарурлиги эслатилди.

Б. Тажибаев бозордаги тадбиркорларни шундай қалтис вазиятда баҳоларни кўтариб, аҳолига ортиқча ташвиш етказмаслика даъват этди. Мониторинг пайтида

аниқпанишича, шакар, картошка ва товуқ гўшти сезиларли даражада қўмматлашган.

Яқинда мутасадди вазирлик асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун нархни белгилаб беради. Уни бир қолипда ушлаб туришда барқарорлаштириш жамғармаси катта роль ўйнайди.

Тадбиркорлар ҳам ўз навбатида маҳсулотларнинг улгуржи баҳоси кўтарилиб кетганини маълум қи-

лишиди.

Масалан, йилки гўштининг бир килоси 1900 тенгедан сотилмоқда, мол ва кўй гўшти эса – 1800-1900 тенгедан, нон – 60-70 тенге, картошка – 140-150 тенге.

Нархларга боғлиқ вазият партия ва вилоят ҳокимлигининг доимий назоратида бўлади.

Юртимизда фавқулодда вазият эълон қилингач, барча савдо иншоотлари эрталабки соат 10.00дан кечки соат 18.00гacha ишламоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотадиган дўконларнинг фаолиятига чеклов йўқ, фақат дезинфекция ишларини кучайтириш талаб этилмоқда. Нон ва қандолат маҳсулотларининг ёпиқ ҳолатда сотилиши уқтирилмоқда.

Ижтимоий дўконларнинг иш вақти чекланмади, улар одатдаги тартибида ишлайверади. Озиқ-овқат маҳсулотларида танқислик йўқ.

Йирик савдо иншоотларининг омборларида 30878 тонна маҳсулот сақланмоқда.

**NUR OTAN партияси
вилоят филиалининг
матбуот хизмати.**

Туркестон вилоятида 18 марта бошлаб, Алмати ҳамда Қизилурда йўналишидаги чегаралараро минақадаги "Сауран" ҳамда "Шақпақ" бекатларида коронавирус иллати муносабати билан куну тун ишлайдиган блок-постлар қўйилди.

БЛОК-ПОСТЛАР НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРДИ



Полиция ҳамда тиббиёт мутахассислари ҳар бир машинани тўхтатиб, маҳсус ускуналар билан фуқароларнинг тана ҳароратини ўлчаб, текширувдан ўтказмоқда.

Чунончи, Шимкент – Самара йўленинг 208-чақириимидағи "Сауран" бекатида коронавируснинг Туркестон вилояти ҳудудига кириб келмаслигини назорат қилиш мақсадида маҳсус блок-пост ишлаб турибди. 19 марта куни соат 9.00дан 13.00гacha 200га яқин машина текширилган.

Туркестон вилояти товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини назорат қилиш департаменти раҳбарининг ўринбосари Бақтиураз Елемесов ҳозиргача иситмада гумондор фуқаролар аниқланмаганини айтди.

Бундан ташқари, Туркестон вилоятидаги ҳар бир туманнинг маъмурӣ чегараларида ҳам эпидемия тарқалишига тўсик қўядиган маҳсус бекатлар фаолият бошлади.

**Вилоят минақавий
коммуникациялар хизмати.**

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Қозогистонда coronavirus2020. сайти ишга туширилди.

Аҳборот ва ижтимоий тараққиёт вазири Даурен Абаев фейсбук саҳифасида коронавирусга оид тезкор ҳамда ишончли сайт ишга туширилганлигини маълум қилди.

- ҚР Президентининг бир йилда амалга оширган ишлари ҳақида 4 жилли китоб чоп этилди.

Буни Давлат раҳбарининг матбуот котиби Берик Уали фейсбук саҳифасида маълум қилди.

- Қозогистонда ҳар куни 1 млн. дона ниқоб ишлаб чиқариш кўзланмоқда.

– Бугунги кунда Қозогистонда кун сайин 365 минг ниқоб чиқариляпти. Келгисида ишлаб чиқариш ҳажмини кунига 1 млн. донага етказишга аҳд қилдик, – деди Ерали Тўғжанов онлайн режимидаги Ҳукумат мажлисида.

- Қозогистондаги давлат хизматчиларининг 70 фоизи масофадан ишлаш тартибига кўчди.

• Мамлакатимизда 431 минг янги иш жойини очиш учун 300 млрд. тенге ажратиш кўзланмоқда.

БИЛИМ ОЛИШ – БЕПУЛ...

Таълим ва фан вазирининг ўринбосари Рустем Биғари, Рақамлаштириши ривожлантириш вазирининг ўринбосари Д. Туяқов, шунингдек, "Қазақтелеком"ХЖ, «Транстелеком»ХЖ, «Кар-Тел»МЧБ, «Кселл»ХЖ, «Мобайл Телеком-Сервис»МЧБ, «Astel»ХЖ каби алоқа операторларининг раҳбарлари ҳамкорлик ҳақида битим имзолашди. Энди мамлакатимиздаги фавқулодда вазият муносабати билан қозогистонликларга билим бериш учун интернет-ресурслардан бепул фойдаланиш имконияти яратилади. Буни Таълим ва фан вазирлигининг матбуот хизмати маълум қилди.

ҚозАҳборот.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ

Қозогистонда 20 марта куни коронавирус инфекциясини юқтирган яна беш киши қайд этилди, деб маълум қилади ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Бугунги кунда мамлакатимизда коронавирус юқтирган 49 киши рўйхатга олинди, улардан 22 нафари Алмати, 25 нафари Нур-Султан ва икки нафари Қарағандида қайд этилди.

Россияда ушбу касалликка чалинганлар сони 199 кишига етди, дунё бўйича юқтирганлар сони 233 минг киши.

Бутунжоҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, 19 марта куни кечкурун дунё бўйича кунига 16 556 касаллик юқтириш янги ҳолати тасдиqlанган. Европа минақасида 87 мингдан зиёд одам касалликка чалинган.

Жами 9839 киши вафот этган (SCMP маълумоти).



БОҒЧАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТДИ

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг фавқулодда вазият режимини таъминлаш бўйича минақавий комиссия мажлисидаги қарори асосида 20 марта бошлаб барча болалар боғчалари фаолиятини вақтинча тўхтатди.

Бунгача улар штат режимида ишлаб келишган. Болалар ота-оналарининг хоҳиши бўйича қабулланган. Мамлакатдаги фавқулодда вазият жорий этилгандан кейин боғчага келган болалар сони икки баравар камайиб кетган.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати**

Қозоғистонда илк бор



Түркістан шаҳар ҳоқимлиги мажlisлар залида ҳоқимнинг матбуот котиби Жанерке Жарилқасин ташкилотчилигига «SERPIN» таълим ва инновация миллий палатаси директори Аким Турсин, халқаро tech-конференциясининг Лондондағы ташкилотчиси Алина Безуглова

хамда шу ташкилотнинг Минскдаги вакили Марго Лазаренколар билан брифинг ўтказилди.

Тадбирда жориј йил 21-22 март күнләре Туркістонда Наврұз айёми нишонлаштыган күнларда EMERGE x TURKISTAN халқаро tech-конференцияси бу йил илк бор қозоғис-



тонда, хусусан, Түркістан шаҳрида ўтказилиши маълум қилинди.

EMERGE x TURKISTAN лойиҳасида қатнашшан ёшлар ўзларининг энг яхши лойиҳаларини танишитириб, сармоядорларни жалб этиш ҳамда 10 минг АҚШ долларини ютиб олишлари мумкин.

EMERGE x TURKISTANнинг асосий мақсади – ёшлар орасида энг иқтидорларини аниқлаб олишдан иборат.

Ш.МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

ТҮРКИСТОН ВИЛОЯТИДА ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАНМОҚДА

ҚР Президенти Қ. Тұқаев ҚР ҳудудида фавқулодда вазият жориј қилғач, Түркістан вилоятида ҳам вируснинг тарқалишига түсік қўйиш учун барча чоралар кўрилиб, ишлар бажарилмоқда.

Жўмладан, одам гавжум жойларда тозаликни сақлаш, санитария талабларини бажариш мақсадида вилоят марказидаги

қатор жамоат жойлари дезинфекцияланиб, зарарсизлантирилмоқда. Түркістан вилоят дезинфекция маркази мутахассислари шаҳар ҳудудидаги “Асанбай ата” масжиди, “Ясси” автовокзали, М. Маметова номидаги 6-сонли ўрта мактаб ва марказий “Қуаниши” бозори каби жойларда дезинфекция ишлари-

ни олиб бориши. Шаҳарликлар ва меҳмонларнинг хавфсизлilikини таъминлаш мақсадида антисептик суюқликлар ва дорилар сепилмоқда. Мазкур ишлар шаҳарнинг барча ҳудудларида мунтазам юритилмоқда.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ДАРСЛАР МАСОФАДАН ЎТИЛАДИ

Коронавирус инфекцияси тарқалиши хавфи ҳар соҳада ўзгариш ясади. Таълим соҳасида ҳам масофадан түриб ўқишига ўтилади, дейилмоқда.

Хозирча мактаб ўқувчилари баҳорги таътилда, уйларida дам олишмоқда. Лекин 5 апрелда таътил муддати туғайди. Кейин-чи?

ҚР Таълим ва фан вазирлиги қиқарған буйруқка биноан ўқувчилар онлайн тартибда ўқитилиши мумкин.

Түркістан вилоятидаги мактаблар бундай тизимда ўқишига тайёр-ми?

Куни кеча вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси нинг раҳбари Р. Жўлаев шу мавзуда брифинг ўтказди.

Мутасаддиларнинг айтишича, таълим жараёндан хеч ким четда қолмайди. ҚР Таълим ва фан вазирлигидан топшириқ бўлган заҳоти, таътилдан чиқкан болалар онлайн-режимда ўқитилади. Бу янгилик барча ота-оналар, муаллимларга етказилади ва ўқув жараённи кечиктирилмасдан бошланади. Хозирча, идора вакиллари қанча ўқувчиди компьютер бор-йўқлигини аниқлашмоқда.

Вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбарининг ўринbosари Ардақ Садикованинг маълумотига кўра, буғунги кунда бошқарма ўқувчиларни масофадан ўқитиш учун зарур бўлган интернет сифатини ўрганмоқда, болаларда смартфон, ноутбук бор-йўқлигини, улар интернетга уланган-уламаганини аниқламоқда. Хозирча 1600 ноутбук тайёрлаб

қўйилибди. Унда интернетсиз ҳам таълим жараёни учун керак бўлган маълумотлар (bilimbook) жамланган. Ўқитувчиларнинг хавфсизлilikини таъминлаш учун дарслар уйдан ташқарига чиқмасдан түриб ўтилади.

Лекин, бу таълим жараёни назоратиз қолди, дегани эмас. Бу мисалда ҳам ҳал этилган. Қолаверса, ҳар бир мактаб ҳар куни ўз туман ва шаҳар таълим бўлимлари билан яқин алоқада бўлиб туради.

Хуллас, уйдан чиқмай түриб, мактаб ўқувчилари дарсликлардаги маълумотларни ўқиб-ўрганиш ҳамда ўй вазифаларини бажаришлари мумкин.

Хозирча, яъни соҳада тайёргарлик ишлари кетаётган паллада болажонлар вақтини беҳудага сарфламай, интернет ёрдамида бепул таълим сайтларига кириб, бошқарма тавсияларидан фойдаланишлари мумкин:

Таълим контентига эга бўлган улкан база (40 мингта материал) “Bilim media Group” (<https://bilmiland.kz>);

Яхши таълим захираларига эга бўлган “Daryn Online” (<https://daryn.online>);

Мактаб дарсликлари киритилган интерфаол захира, дарсликларнинг аксарияти “Алматікітап баспасы”ни-ки – Платформа Opiq – www.opiq.kz;

ЯМТга тайёрланиш учун виртуал тренажёр – www.itest.kz;

Мактаб ўқувчилари ва талабаларга мўлжалланган таълим портали – 100ballov.kz;

NIS Play - <https://play.nis.edu.kz/application/registration>;

STEM академияси. [\[academia.com/en-main-page/\]\(http://academia.com/en-main-page/\);](https://stem-</p>
</div>
<div data-bbox=)

Бошлангич таълим дастури – iMekter- www.imekter-kz;

STEMни ўрганиш учун платформа – <https://makeathon.kazneuro.kz>.

Оммавий онлайн-таълим соҳаси лойиҳаси – “Coursera” - <https://www.coursera.org/>;

Мактаб ўқувчилари бепул фойдаланадиган нотижорат таълим ташкилоти – Хан академияси – <https://ru.khanacademy.org/>;

Коллеж талабалари кириши мумкин бўлган Atameken Academy (<https://atameken.co/ru/courses>);

Олий ўқув юртлари учун: Moodle – <https://moodle.enu.kz/>;

Республика олий ўқув юртлари бўйича электрон кутубхона – (<https://www.rmeb.kz>);

QASAQSTAN TARİHY – <https://e-history.kz/ru/scorm>;

“Вся элементарная математика” – <https://www.bymath.net>;

Blended learning <https://blendedlearning.pro>.


Юқорида таъқидланган таълим дастурлари масофадан ўқитишни сифатли ташкил этиш, ўқувчининг мустақил ўқиши, кейин ўқитувчи томонидан назорат қилинишига мўлжалланган.

Онлайн ўқиш – ҳозирги дунёда кенг тарқалган тизим. Ундан барча ривожланган давлатлар фойдаланади. У ўзига хос қуайлик ва ағзалликларга эга. Барча янгиликлар даставвал қийинчиликлар билан бошланади, кейин эса осонлашиши аниқ.

Н. МАВЛОНОВА.

«Мен сиз учун ишда қолдим...»

Ҳаёт инсонга берилган энг улуғ ва олий неъматлигини элимиизда карантин эълон қилинган кундан бошлаб янада чуқурроқ ҳис қиляпмиз.



«Мен сиз учун ишда қолдим. Сиз мен учун уйда бўлинг». Бу – Түркістан вилояти шифокорларининг бугунги шиори.

– Коронавирусдан огох бўлиш, бу ҳақда аҳолига кенг тушунтириш ишлари олиб боришин таъминлаш нафақат соғликини сақлаш ходимлари, айни дамда ўз

ЧЎЛОҚҚЎРҒОН ГАЗ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўтган йили Сўзоқ туманини табиий газ билан таъминлаш мақсадида 100 миллион тенге ажратиш кўзланиб, магистрал газ қувури ҳамда АГТС курилиши бошланган эди. Лойиҳага 2020 йили 2,6 млрд. тенге ажратилиб, ҳозир курилиши ишлари давом эттирилмоқда. “Stroygaz Company” МЧБ бунёдкорлик ишларини тасдиқланган жадвалга мувофиқ олиб бормоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4 млрд. 110 млн. тенге бўлиб, қувур узунлиги – 43,809 чақиримни ташкил қилади.

Бундан ташқари туман маркази – Чўлоққўргон қишлоғининг инфратузимасини созлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрланиб, маблағ ажратиш учун вилоятга йўлланган эди.

– Ички тармоқни созлаш ишларига 100 млн. тенге ажратилди. Давлат хариди эълон қилиниб, пудратчи компания аниқланса, иш бошлаб юборилади. Кўзланган режа бажарилса, Чўлоққўргондаги 12 мингга яқин аҳоли “зангри олов” билан тўлиқ таъминланади, – деди туман уй-жой коммунал хўжалиги ва автомобиль йўллари бўлумининг шўъба мудири Ербўл Аманов.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ВАҚТИНГИЗ ЗОЕ КЕТМАСИН: КИТОБ ЎҚИНГ!

Республикамизда фавқулодда вазият жориј этилиши муносабати билан таълим муассасаларида ўқиш вақтнча тўхтатилди. Бу даврда фарзандларимиз қизиқарли китоблар ўқиб, ўз дунгёрашларини кенгайтиришлари мумкин. Мутахассислар болаларга қўйидаги қизиқарли китобларни тавсия қилишмоқда:

1. Тоҳир Малик: Алвидо, болалик!;

2. Жюль Верн: Сув остида саксон минг километр;

3. Остейн Гордер: Апельсин қиз;

4. Чингиз Айтматов: Оқ кема;

5. Худойберди Тўхтабоев: Сарик девни миниб;

6. Худойберди Тўхтабоев: Сарик девнинг ўлими;

7. Малкольм Гладуэлл: Зуколар ва ландовулар;

8. Фафур Гулом: Менинг ўғригина болам;

9. Пиримкул Қодиров: Юлдузли тунлар;

10. Жюль Верн: Ўн беш ёшли капитан.

Бутун дунёни ларзага солган эпидемиологик ҳолат даврида буюртма асосида китоб харид қилиш имкони йўқ. Лекин ҳозир ҳар бир хонадонда смартфон бор. Тавсия этилган китобларни n.ziyouz.com интернет саҳифасининг кутубхона бўлимидан бепул юклаб олишингиз мумкин.

Хуршид Қўчқоров тайёрлади.

Фасли навбаҳор келди...

Кўклам саболари қалбимни чertар, Муҳаббат бўй чўзар юрак қаърида. Интиқиб кутганим – баҳорим келар, Гул-чечак очилар дала-даштларда. Ўлкамизга биз орзиқиб кутаётган Наврӯзи Олам келмоқда. Наврӯз – анъ-анавий байрамимиздир. Чор-атроф ям-яшил тусга кириб, бойчек бosh кўтаради. Дошқозонда сумалак қайнайди, қир-адирларда болакайлар ялпиз теришади. Миллий таомлардан – кўк чучвара, ялпиз сомса, ширмой нон, қовурма ва албатта, дармондориларга бой, узоқ тарихга зга, қадимдан мөрос бўлган, афсона-вий Наврӯз таоми – сумалак дастурхон тўридан жой олади. Бу кун қариялар, беморлар йўқланади. Қўшиклиар куйла-нади, лапарлар айтилади, миллий чолгу-асобларидан тарағлан куйлар барчага хуш кайфият улашади. Байрамда спорт мусобақалари ўтиб, полвонлар куч синашади...

Алмати шаҳрига ўқишига келганимда янги жой, янги танишлар ўзларининг миллий урф-одатлари, таомлари билан лоп қолдиришганди. Ҳа, ҳар бир ҳудуднинг ўзгачаликлари мавжуд экан. Ўтган йили Наврӯз байрамида қозоқ ҳалқининг миллий урф-одатлари билан яқиндан танишдим. Наврӯз кўжа, бўғирсоқ, бешбармоқ, қўмиз каби миллий таомлар менга жуда



ёқди. Спортнинг тўғизқумалоқ ва алтиб-қан каби турлари ҳам қизиқарли экан.

Алмати шаҳрида турли миллат вакиллари ҳамжиҳатлиқда, аҳил ва иноқ яша-шади. Ўйғурлар ҳам ошпазлиқда моҳир эканлар. Бугунги кунда қозоқ, уйғур, то-жик, рус, озарбайжон каби турли миллат вакилларидан дугоналарим борлигидан фаҳрланман. Тотувлигимизга кўз тегма-син!

Яшариш, янгиланиш фасли, дилларда меҳр-муҳаббат уйғотувчи Наврӯз айёми барчамизга муборак бўлсин!

**Муниса САЙДИҒАНИЕВА,
Қозоқ Миллий қизлар педа-
гогика университети-
нинг 2-босқич талабаси.**



БИР АСР ХИКОЯТИ



Наврӯз байрами ара-фасида Сайрам тумани, Қорамурт қишлоғида истиқомат қилаётган 102 ёшли Курвонбуви Ратаева билан сұхбат уюштирилди.

Икки аср билан юзлашган онахонни тарихнинг тирик ойнаси десак муболаға бўлмайди. Колхозлаштириш, кулоқ қилиш, узоқ ва совук ўлкаларга сургун, машъум қатоғон, даҳшатли уруш воқеаларини ҳудди кечагидек эслайди.

Қорамурт қишлоғи да-лаларда меҳнат қилгани, уруш пайтлари эркаклар йўқлиги сабабли гектар-гектар гўзани аёл боши билан тунлари ўзи сугорганини айтади. Шу суронли даврда йил ўн икки ой даланинг машаққатли меҳнати – экинни сугоришдан то йигиб-териб олишгача – барчаси аёллар ва болалар елкасига тушган эди.

Онахоннинг хотиралари ва узоқ умр кўришга оид тавсияларини бирга эшиб кўрайликичи.

Эргашвой Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилади. Йўлдошбек шу қишлоқда ҳисобчи. Қизлари – Оромижон ва Насиба ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишган.

Ҳозир онахонинг 50 невараси, 30 эвараси бор. Кенжә ўғли Ортиқмат ва келини Мариям унинг хизматида.

Момодан битта лапар айтиб беришини илтимос қилдим. У қадим ўзбек лапарларидан айтиб, яна кўзи намланди.

– Онахон, узоқ яшашибири нимада? – деб сўрашга ботина олмадим.

Суҳбат аносода ўзи ёрилиб қолди:

– Отам ва қайно-тамнинг дуосини жуда кўп олганман. Суви қочган нон ва талқонни кўп истемол қиласарик, балки шу ҳам узоқ умр кўришимга сабаб бўлгандир. Баъзан томорқа юмушлари билан шуғуллангим келади. Чунки, инсон умрининг саодати, бахт-фароғати ана шу жиҳатлари билан гўзал ва файзли-да!

Қалб кўзи билан дунёни кўраётган, ҳаёт ҳикмати ва фалсафасини ўзида мужассам этган ёши улуғ онахон билан хайрлашар эканмиз, унинг дую-фотиҳасини олишга мушарраф бўлдик.

– Юртимизга тинчлик, элизимизга омонлик, ҳалқимизга аҳиллик, ҳамжатлик ато этсин, – деди у. – Барчанлизинг оиласигига файзу барака берсин. Наврӯз том маънода барчанлизга баҳт олиб келсин!

**Баҳорой
ДЎСМАТОВА.**

Биз ҳам сумалак пишифамиз



СУМАЛАК ТАРИХИ

Баъзи маълумотларга кўра, сумалак тарихи 3000 йилдан ошаркан. Тарихдан маълумки, Амир Темур даврида ҳам сумалак сайли бўлган, Наврӯз байрамида маҳаллаларда, гузарларда дошқозонларда сумалаклар пиширилган. Бу таомни пишириш – бир-иқки одамнинг иши эмас. Унга кўплашиб киришилади.

Қадимда аёллар кўпинча омма йи-филадиган каттароқ майдонни танлаб, сумалак учун жой ажратишган. Сумалак баҳонасида сайилгоҳларда ошхона, чойхона, новвойхоналар қурилган, мевалар, атирупа сотадиган дўконлар очилган. Майдон яқинида кўпкари-улок, кураш каби миллий ўйинлар, мусобақалар уюштирилган, кўчкор, хўрз уриштирилган, дорбозлар томоша кўрсатишган.



Наврӯзинг ўзига хос, шоҳона таоми – сумалакнинг хушбўй ҳиди, тутуни чор атрофи тутиб, ёшу қарини сайилгоҳга чорлаб турган.

СУМАЛАК ҲАҚИДА АФСОНА

Эрта кўкламда бир қишлоқнинг аҳолиси очарчиликка учрабди. Ҳар ким алоҳида қозон осиб, овқат пиширишга имкон топмабди. Ўша қишлоқнинг ёши улуғ аёллари уйида бор бўлган барча озиқ-овқатини йигиб, бирор бир ҳовч бўғдой, бирор маккажўхори, яна биттаси ўрик-майиз, ўсимлик мойини келтириб, ўртада овқат қилишга киришиби. Катта қозонга топган-тутганини солиб, тагидан ўтқилиб қолди.

Энг охирида, тўққиз боласини эргаштириб бир бева аёл келиби. Қозонга соладиган ҳеч вақоси бўлмаганидан, тоза ювилган еттита тошни ташлабди. Дошқозон кўпчиллик соглан маҳсулот билан деярли тўлибида вирпасдан сўнг қайни бошлабди. Қозон атрофидаги аёллар навбатма-навбат қозонни ковлашибди ва ҳар ковлаганда, Ҳудога ёлвориб, мўл-кўлчиликни, кенг ризқни сўрай бошлашибди. Ҳудо оналарнинг тилагини бериб, шу йил қут-баракали, сероб йил бўлиби. Шундан бўён "сумалак" деб аталган ушбу хосиятли таомни эрта кўкламда кўпчиллик аёллар йигилиб, бир қозонда пишириш урғфа айланган экан.

СУМАЛАК ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Кўп йиллардан бўён сумалак қайна-тавериб, устаси фаранг бўлиб кетган шимкентлик Марҳабо опа Дехқонбое-вани сұхбатга чорладим.

– Сумалак пиширишни кимдан ўрган-гансиз?

– Онамдан. Болалин чоғимда уйимизда ҳар йили сумалак пишириларди. Онахоним миллий таомларни тайёрлашда жуда моҳир эди. Келин бўлиб тушганинга, мана, 30 йилча бўлиб қолди. Шундан роппа-роса 15 йили ичиди сумалак қайнатаман. Бўғдойни уйимда тайёрлаб, "буюртма" асосида одамларнинг хона-донларига бориб, сумалагини қайнатиб бераман.

– Кўклам мавсумида тахминан қанча ўйда сумалак қайнатасиз?

– Деярли ҳар куни. Март ойининг бошидан то апрелнинг ўрталаригача. Кун исиб кетса, сумалак қайнатилмайди. Бу ҳам об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ.

– Сумалак бир кунлик иш эмас, дейишиди...

– Ҳа, сумалакка 10 кунча аввал тадорик кўрилади. Буғдой тозаланади, доннинг бутунлари териб олиниб, соvu сувда ивтилади. Ивиган буғдой сувдан олиниб, офтоб тегмайдиган қоронғироқ жойга – тахта устига ёки ёғоч столга ёйиб, ундирилади. Тезроқ униб чиқиши учун остига икки қават мато солиниб, усти дока билан ёпib қўйилади. Қуриб қомласлик учун кунига 2 марта сув сепилади. Бир ҳафтадан кейин буғдой 3-4 см. бўлиб унади. Шунда у сумалакка тайёр бўлган хисобланади. Тайёр буғдой чимга

ўхшайди, майда бўлакларга ажратилиб, кесилади ва гўшт қиймалагичдан чиқарилади. Сўнг дока ёрдамида сузилиб, суви сикиб олинади. Бу иш 2-3 марта қайта-рилади. Буғдой уч босқичдан ўтиб, суви тайёр бўлгач, дошқозонга ўт ёқилади. Сумалак қайнатиш учун ўтин кўп керак бўлади, унда ҳам ҳил ёғочлар яра-майди. Қўпроқ қаттиқ дарахтларнинг тўн-калари аскотади. Қозон қизигач, ўсимлик мойи қўйилади. 1 кило буғдойга 3 килоча ун қўшилади. Тинимиз аралаштириб турилиши керак. Сумалак тез куйиб кетадиган таом бўлгани учун унга ювилган тош солинади. Сўнгра вақти-вақти билан буғдойдан олинган сув қуйиб турилади. Хуллас, 18-20 соатча қайнатилгач, шоҳо-на таом тайёр бўлади. Энг масъулиятли пайти, "танга ташлаш" дейилади. Яъни қаттиқ қайнаб, худди тангага ўхшаб тепа-га отила бошлайди. Ҳолвайтар сингари қизгиш-қўнгир ранга кирганди, таом тайёр бўлади. Усти ёпилиб, туни бўйи димлаб қўйилади.

– Ҳозир кўклам вақти. Одамлар қишидан ҳориб, ноҷор бўлиб чиқсан. Дармондориларга эҳтиёж катта. Сума-лакнинг шифобаҳш, фойдали томон-ларини айтсангиз...

– Соғ буғдойдан тайёрлангани учун у витаминларга бой. Қишидан чиқсан ҳар қандай ҳолсиз организмни кувватлантиришда фойдаси мўл. Кейин бу таом одамларни ўзаро бирлаштиришга ёрдам беради. Катта қозон тепасида гурунг-лашиб, сумалак қайнатишнинг файзи бўлакча. Ундан маънавий куч олиш мумкин. Рух тетиклашибди, ширин ва мазали таомни егач, кайфият кўтарилади, таранглашган асаблар юмшайди.

Ҳа, сумалак қайнатиши – фақат қо-ринни тўйдириси эмас. Бу, энг авеало, қиши бўйи кўрмаган қариндош-уруглар, дўст-бирордлар, кўни-кўншиларнинг дийдорлашуви. Йилда бир марта, яна узоқ вақт тайёрланадиган таом бошида хурсандчиллик, ўйин-кулгу қилиш ҳамдир. Шундай дорила-мон кунларимиз кўп бўлаверсин!

Н. МАВЛОНОВА.

Жаноби Сарвари Олам соллаллоҳу алайҳи васал-ламнинг биринчи аёли, мусулмон умматининг онаси – Ҳадича онамиз ҳақида маълумотлар.

Ҳазрат Ҳадича араб хотинлари орасида ақлли, ўта зийрак, фахим-фаросатли бўлгани учун ажralib турган. У Пайғамбаримизга Аллоҳ улуғ бир давлат ато этишини ҳаммадан аввало сезган. Шунинг учун унга турли баҳоналар билан яқинлашишни истаган.

Қурайш қабиласи ичидаги ҳам насл-насаби, ҳам ҳусни жамоли, ҳам бойлиги билан танилган бу аёл эри ўлгач, бошқа совчиларга кўнмай юрган. Нияти фақат Мұхаммадга тегиш эди.

Араб халқи аввалида Иброҳим алайхиссалом келтирган Ислом динидаги бўлган, кейин узоқ йиллар ўтиб, бутпараст бўлиб кетган. Қурайш қабиласи ичидаги фақат Варақа ибн Навфал деган олим киши бўлиб, бутун араблар ичидаги ӯша одам Иброҳим динини ушлаган. У эса Ҳадичанинг амакиси бўлиб, диний китоблардан охир замон пайғамбари араб наслидан чиқишини билган ва буни Ҳадича онамизга етказган эди. Шунинг учун ҳам онамиз Мұхаммадда шу улуғ яхшиликни олдиндан сезган.

Бир куни савдогар Ҳадича Пайғамбаримизни савдо-тижорат ишларига атайнин бошлиқ қилиб Шом шаҳрига юборади.

Эрини рози қила олган ҲАЗРАТИ АЁЛ

Фаросатли аёл бу сафарга Майсара деган қулини кўшиб, Пайғамбаримизга ҳам ҳамроҳ бўлсин, ҳам хизматини қилсин ва энг асосийси, йўлларда қандай воқеалар бўлса, шуларни пайқаб юришини истайди.

Бу сафарда Абу Бакр Сиддик ҳам йўлга чиқади. Икки дўст бир туяга мингашиб кетишаётганда, бир парча оқ булат уларга соя ташлаб туради. Майсара буни аник кўради. Нихоят, Шомга етиб келишганда Буҳайро деган роҳиб ибодатхонасига яқинлашишади. У киши бир неча йиллар аввал ўлиб кетиб, ўрнига Настуро деган роҳиб келган экан. Бу киши ҳам Таврот, Инжил китобларida охир замон пайғамбари ҳақидаги сифатларни билиб, “Пайғамбар чиқадиган пайт яқинлашиди”, дея кўзини Макка тарафга тикиб ўтирган эди.

Карвон яқинлашгач, роҳиб келиб Пайғамбаримизга узоқ тикилади ва унинг ҳақ Пайғамбар эканлигини билади. Ва Майсарани бир четга тортиб, унга кўп сирларни айтади. Шунингдек, шаҳарга кирмасликни маслаҳат беради. Пайғамбаримиз шу

жойининг ўзида молларини яхши баҳода сотиб, юртига қайтиб кетади.

Ҳадича онамиз карвон келаётганини билиб, пешвоз чиқади. Пайғамбаримизнинг бош тарафидаги оқ булатдек бўлиб турган бир жуфт қушни кўради. Булар икки фаришта эди...

Майсара ҳам йўлда кўрган мўъжизаларини сўзлаб беради. Буни эшитган Ҳадича онамизда ихлос-муҳаббат кучаяди ва Мұхаммаднинг никоҳига киришга ҳаракат қиласди. Араблар орасида эр излаб, совчи кўйиш расми бўлмаса-да, онамиз бир аёлни юбориб, Пайғамбаримизга ниятини билдиради. У киши эса буни амакиси Абу Толибга айтади. Амакиси араб одатларига зид бўлган бу ишдан таажжубланади, лекин Ҳадичанинг бу талабини бир давлат деб хисоблаб, уни қабул қилишга ундейди.

Шундай қилиб, никоҳ ўқилиб, улар эр-хотин бўлишади. Маҳрга 20та түя берилади. Бу пайтда Пайғамбаримиз 25 ёшда бўлиб, онамиз Ҳадичанинг ёши 40ларда эди. Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак

ҳалоли 3 ўғил, 4 қиз тугиб беради. Қосим, Тоҳир, Тайиб, Руқия, Зайнаб, Умму Гулсум, Фотималар ушбу муборак никоҳдан туғилади. Иброҳим эса Мория деган чўрисидан туғилган.

Ҳадича онамиз Пайғамбаримизнинг розилигига эришиш учун бутун мол-дунёсини, умрини сарф қиласидилар. У жудаям ғамхўр, меҳрибон бўлган экан.

Пайғамбаримизнинг барча ғамташвишларига бирдек шерик, дардига даво бўлган. Бутун инсониятни Ислом динига даъват қилиш вақти етганда, биринчи бўлиб динни қабул қиласди. Пайғамбаримизга мушрик ва мунофиқлардан кўп азоблар, тазииклар ета бошлаганида, унинг ҳимоячисига айланди. Бирор марта сўзини қайтармаган, ҳар қандай оғир ишларни оғринмасдан бажарган, бор мол-дунёсини Пайғамбаримиз ўйлида фидо қилган. Шунинг учун Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Эй бор Ҳудо, Ҳадичадан мен розиман, сен ҳам рози бўл, – деб ҳақларига дуо қилган.

Онамиз вафот этган йилни “Қайғу-ҳасрат йили” деб эълон қилган.

Шунинг учун ҳам айнан бу аёлни Аллоҳ ўз ҳабибига муносаб жуфт деб танлади. Вафотидан кейин ҳам унинг сифатларини айтиб, яхшиликларини эсларди. Бир куни Ойша онамиз ҳузурида ўтирганда Ҳадича онамиз ҳақида гапириб қолди. Бунга у кишининг рашки кўзиб, “Қари, қизил оғиз хотинни бунча мақтадингиз”, дейди. Ҳашандо Пайғамбаримиз “Ҳой, ундаи дема, у бутун борлигини мен учун сарфлади. Қайғуларимин тенг бўлишиди. Мен ундан розиман, у ҳам мендан рози эди”, деб ўйглаган.

Дарвоқе, Пайғамбаримиз Ҳадича онамиз билан узоқ умр кечирди. У Пайғамбарлик давридан ўн йил ўтиб, 50 ёшга тўлганларида Ҳадича онамиз дунёдан ўтди. У 25 йиллик йигитлик даврини шу улуғ ёшли аёл билан ўтказди. У билан яшаган вақтда устига хотин олишни истамади. Онамизга ажал вақти келганди, унга аталган жаннатдаги жойини кўрди. Бу бир дона гавҳардан ясалган улуғ қаср экан.

Шуни албатта билиш керакки, қайси аёл Ҳудо розилиги учун эрига бўйсунса, турмушда у билан бирга ғам-ташвишини бўлишса, мўмина, солиҳа бўлса, Қиёматда Ҳадича онамизнинг шафоатини топар экан.

(“Тарихи Мұхаммадий” китоби мутолаасидан сўнг туғилган ўйлар).

Супер Қайнона

– Беш ўшимда ота-онам автохалокатда вафот этиб, мен тоғамнинг қўлида ўсганман, – бошлиди ҳикоясини ленгерлик ҳамсұхбатим Нодира. – Шаҳардаги бир хонадонга келин бўлиб тушдим. Тўйдан бир ой ўтиб, қайнотам оғир касал бўлиб қолди. Уни даволатиш учун пул тополмадик. Үйимизни сотишга мажбур бўлдик. Бир хонали квартира сотиб олиб, кўчиб бордик. Эримнинг иккиси турмушга чиқиб кетишиган, Ботир акам оиласида ёлғиз ўғил. Биринчи фарзандимиз – қиз туғилди, қайнота-қайнонашни боши осмонга етди.

Бир куни эрим бир дўстининг туғилган кунига борадиган бўлиб қолди.

– Сен ҳам бориб келақол, қизингга мен қараб турман, – деди қайнонам.

– Ахир үйда шунча иш туриб, қандай қилиб бораман? – деб қаршилик қилдим.

– Боравер, қизим, ишинг бўлса, келиб давом эттирасан, – деди у.

Зиёфатдан кеч қайтидик, энди кир юваман, деб ўйга кирсам, кир ҳам, идиш-товоқ ҳам ювилган. Эрталаб, қайнонашга «нега бундай қилдингиз, ўзим келиб ювардим, овора бўлибсиз», дедим.

– Умр ҳали олдинда, – деди у. – Қўлимда қувватим бор экан, бекор ўтирумайманку ахир.

Иккинчи ўғлимиз туғилган иили турмуш ўртоғимга ишхонасидан иккиси хонали квартира беришди. Кўчиб бордик. Учинчи фарзандимиз туғилганда қайнотам вафот этди. Бу жудолик қайнонаш жуда қаттиқ таъсир



қилди. Мен уни қўллаб-қувватлаб турдим. Ҳадемай, ҳаётимиз изга тушиб кетди. Қайнонаш учун фарзандимизнинг суюкли бувисига айланди.

Бир куни эрим ишдан келиб, деди:

– Сен билан ажрашаман. Улфатларимнинг қайин юрти куёвга машина олиб беряпти, сенинг ҳатто ота-онанг ҳам йўқ. Мен Гулнорага уйланмоқчиман. Сени ижарага квартирага чи-

қариб юбораман, пулини ўзим тўлаб турман.

Гулнора – Ботир акамнинг синфдоши, мактабда ўқиб юрғанда аҳду паймон қилиб кўйишиша ҳам ота-онаси қариндошларидан бирининг ўғлига узатиб юборишган. Эри вафот этиб, иккиси ўғли билан отасини кетиб келганини эшитган эдим.

– Майли, сиз нима дессангиз шу, – дедим мен.

Бу гапни қайнонашга айтдик.

У узоқ ўйга ботди. Оғир вазиятдан кутқариш учун гапга мен кўшилдим.

– Ойижон, сиз биздан хавотир олманг, менинг ҳамширалик дипломим бор, ишга кираман, болаларни боғчага бераман, қийналмаймиз.

– Нодон бола, – деди қайнонам ўғлига қаратади. – Бизнинг авлодда ҳеч ким сенчалик аҳмоқ бўлмаган эди, сен биринчисисан. Нодира ҳеч қаёққа кетмайди. Биз билан яшаш сенга ёқмаяптими, ўзинг кетавер. Ким билан яшасанг ҳам майли, мен розиман. Қани, энди ўйни бўшат!

Қайнонаш билан сўзли, фикри қатъий эканини билган Ботир акам индамай чиқиб кетди. Орадан ярим йил ўтиб, биз судда ажрашдик. Қўлимизга берилган қоғозда бизнинг бир-биримизга бегона эканлигимиз ёзилган эди. Юрагимнинг тубида бир ип узилгандай бўлиб, кўзим ёшга тўлди. «Айбим тоғамнинг қўлида ўсганимми, ойижон, дадажон, нега мени эрта ташлаб кетдингиз?» – деб узоқ йигладим.

– Қизим, кел, эрталабдан бери туз тотганинг йўқ, чой ичиб ол, – деди қайнонам. – Бундан бўён йиглаганинг кўрмай. У аҳмоқ сенинг бир томчи кўз ўшингга арзимайди. От айланаб, қозигини топади, деганларидек, ҳадемай қайтиб келади, мана, кўрасан. Айтмоқчи, бугун катта қизинг Ферузанинг туғилган куни, дастурхон ёзайлик, мен ширинликлар пишириб қўйганиман...

– Ойи, туғилган кунимга дадам келмайдими? – қизимнинг саволидан янга кўзим ёшланди.

– Даданг иш билан узоққа кеттан, қизим, келолмайди, – дедим.

Гулдастани олиб, беш-олти қадам юрган эдим, сотовчи аёл чақириди.

– Қизим, тўхтант, – деди у.

Қарасам, қўлида катта гулдаста билан мен томонга кеплати.

– Мана буни қайнонашга менинг номидан бериб қўйинг. Гул сатаётганимга йигирма йилдан ошди. Биринчи марта бугун қайнонаш учун гулдаста сотиб олган кишини учратдим.

Яна кўзимга ёш келди. Уйга келсам, собиқ турмуш ўртоғим онасини табриклиш учун келган экан. Иш жойида қисқартириш бўлиб, иккиси хотини “бонгиманда эрнинг менга кераги йўқ”, деб ҳайдаб юборганини айтди.

– Мени кечира олсанглар, кечиринглар, – деб онасига илтижо билан қаради. – Оила муддаслигини энди тушундим.

Қайнонаш:

– Бу масалани Нодиранинг ўзи ҳал қиласди, – деб, менга қаради...

Б. ДЎСМАТОВА.

ЗАКОВАТЛИЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Шимкент шаҳрининг Бозорқопқа даҳасидаги 104-сонли Е. Юсупов номли мактабда рус тили ва адабиёти фанидан ўн кунлик ўтиб, унда 9-«А» синф ўқувчилари иштирикida «Заковатлилар беллашуви» зукколар ўйини уюштирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбирнинг ташаббускори мактаб директори Ҳ. Жамолова бўлди.



Ўқувчилар учта гурухга бўлинниб, жами бешта шарт бўйича куч синашдилар. Уч тилда олиб борилган тадбирнинг саволлари рус, қозоқ ва инглиз тили, шунингдек, математика, биология, физика, химия, география фанлари бўйича тузилган эди.

Айниқса, улуғ оқин Абайнинг "Насиҳатлари", А. Пушкиннинг асарлари бўйича саҳналаштирилган кўринишлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Мен тадбиркорман. Кичик дўконимда савдо қилиб, оила боқаман. Унга газ ўтказмоқчи эдим. Қатор маъмурӣ тўсиқларга дуч келдим. "ҚазТрансГазАймақ" корхонасидан бошлаб, давлат идораларигача сансалорлик ўрин олган. Уч йилга эълон қилинган мораторий қайда қолди?

Иккинчи масала – дўкончага касса аппарати ўрнатиш. Лекин унинг нархи арzon эмас – 70 минг тенге. Уни қаердан оламан, ахир топганим солик, рўзгордан ортмаяпти-ку?

Н. ҚАХРАМОНОВ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ДЎКОНЧАМГА ГАЗНИ ҚАНДАЙ УЛАСАМ БЎЛАДИ?

ва ўрта бизнес субъектларига газ ўтказиш алоҳида тармоқ эмас, улар ҳам шу улкан жараёнда ҳал бўлади. Ишчи гурухини тузишидан мақсад ҳам шунда, тадбиркор корхонама-корхона юргумасин, ҳаммаси бир жойда ҳал бўлсин.

Қисқаси, йил охиригача газ соҳасида катта ишлар қилинади. Бунинг учун даъвогар аризасини "ҚазТрансГазАймақ" корхонасига топшириб қўйсин.

– Иккинчи савол, касса аппаратига келсак, бу масала билан давлат даромадлари департаменти шугулланади, яъни солик органлари. 2020 йил 1 январдан юртимиздаги барча савдо субъектлари 100 фоиз касса аппаратларини ўрнатсан, деган қонун талаби бор. Тадбиркорнинг 70 минг тенгега аппарат сотиб олишга курби етмаса, унда интернетга уланган уяли телефонига маҳсус иловани жойлаштирилсин.

Бу ишни бажариш қўйин эмас, ҳозир барча солик органлари, маҳаллий ҳокимликлар, тадбиркорлик бўлимларидан касса аппарати ҳақида истаган маълумотни олиш мумкин. Масалан, Туркистон шаҳар марказий бозоридаги гўшт павильонининг 2-қаватида бир ходимимиз касса аппаратини ўрнатиш ва ундан фойдаланишини ўргатади, агар бузилса, тузатади ва бошқа тегишли маслаҳатларни беради. Туман ҳокимликлари тадбиркорлик бўлимларининг ҳар бирида касса аппаратлари учун масъул ходимлар бор. Зарур бўлса, улар солик органларига бевосита чиқиб, солиқчилар билан боғланишга ёрдам беришади.

Н. МАВЛОНОВА.



● Обуначиларимиз орасида

ЕТМИШ БИРИНЧИ КЎКЛАМ ТАРОВАТИ...

Кентов шаҳрига қарашли Югнак қишлоқ округи оқсоқоллар кенгаши раҳбари, газетамизнинг 29 йиллик қадрдони, қишлоқдаги 207 дехон хўжалигини бирлаштирган "Югнак" фермер хўжалиги бирлашмаси муассиси Фарҳод Абдужалил ўғли Абдуллаев(суратда) билан Наврӯзи олам арафасида учрашиб, саволлар билан мурожаат қилдим.

– Ирик хўжалик раҳбари сифатида жорий йилги деҳқончилик ишларига тўхтальсангиз.

– Бу йил 300 гектарда пахта, 120 гектарда лалми буғдой, 110 гектарда мева етиширамиз. 2000 гектар яйловимиз бор. Техникамиз етарли, ҳатто қўшни қишлоқларга ёрдам бериш имкониятимиз ҳам мавжуд. Лекин асосий муаммо – обикор деҳқончилик масаласи. Мен уни қишлоғимизда ўтган Кентов шаҳри ҳокимининг ҳисоботи чоғида кўтартган эдим ва мутасаддиларнинг ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ваъданарини олганман.

Бизнинг далаларимиз "Қўшқўрғон", Қарноқнинг "Ирмоқ" сув омборларидан, шунингдек, қишлоғимиздаги Олмосбой ҳавзаси суви билан сугорилади. Сув тақчиллиги ёз ойларида сезилади. Лекин, муроса билан иш юритилса, битмайдиган иш йўқ. Вилоят ҳокими Ўмирзак Шўкеев томонидан белгиланган улкан вазифа – вилоят маркази аҳолисини ўзимизда етишириладиган сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган "Озиқ-овқат белбоғи" дастурини бажаришга енг шимариб киришдик. Эндилиқда парранда, гўшт, сут маҳсулотлари кўпаяди.

– Югнак ва Чипон қишлоқларида жорий йил қиши мавсумида кетма-кет иккита

ўйда ёнгин содир бўлиб, ҳар иккаласида ҳам қишлоқ аҳли бир ёқадан бош чиқарип, уюшқоқлик намунасини кўрсатди. Қишлоқлардаги ўшу қарининг ҳамжиҳатлиги, ёрдамга шайлиги ОАВда кенг ёритилди. Мана шундай ҳамжиҳатликин келажакда "Жанубий Қозоғистон"га обунада ҳам намоён этасизлар деб ишонамиз.

Жорий йил – Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги. Падари бузрукворингиз Абдужалил ота Туркестондан фронгта отланган 18500 нафар жангчининг бири эди. Дунёдан ўтган барча собиқ жангчилар руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин! Шу билан бирга 20 марта ҳаётингиздаги 71-кўкламни қарши оласиз. Муборак бўлсин. Фарзандларингиз, яқинларингиз, қариндош-уруғларингиз, ҳамкасларингиз кутловларига "Жанубий Қозоғистон" таҳририяти ҳам кўшилади. Мустаҳкам саломатлик, омад, саодат сизга ҳамроҳ бўлсин. Деворда илиғлик турган, Туркестондаги қишлоқ хўжалиги фаоллари даврасида Тўнгич Президентимиз Н. Назарбаев билан учрашиб онлари акс этирилган тарихий суратни "Жанубий Қозоғистон" таҳририяти туҳфа этгани (фото мухбирлар туширган) ҳам шонли тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.



Шимкентлик опа-сингил Сейипжамал ва Нуржамал Ахмедовалар ўтган йили шаҳар бандлик марказида ишсиз сифатида рўйхатга туришди ва уч ойлик касбий ўқишига йўлланма олиши. Сертификатга эга бўлишгач, бизнес режалар тузиши. Уларга давлат гранти ажратилди. Айни пайтда опа-сингиллар тикувчилик цехи очиб, ўзларининг ишларини бошлаб юборишиди.

ҲУНАРЛИНИНГ БАХТИ БУТУН

Сайрам тумани Ўтемис қишлоғида таваллуд топган Сейипжамал опа тақдир тақозоси билан Россиянинг Омск шаҳрига кўчиб борган. У ерда олий маълумот олган, оила курган. Икки фарзандли бўлгандан сўнг 2012 йили тақдирнинг синовли кунлари бошланди. Дастрлаб турмуш ўртоғи, кейин эса онаси вафот этди. Икки фарзанди билан ёлғиз қолган аёл она юргита кўчиб келди. Беш йил яшагандан сўнг унга Қозоғистон фуқаролигини беришди. Кам таъминланган, бокувчисидан айрилган оиласларга берилаётган ижтимоӣ ёрдам хусусида ёшлишиб, Шимкент шаҳар бандлик марказига мурожаат қилибди.

– Айни пайтда касбимни янада яхшироқ ўзлашириш мақсадида тикувчилик курсларида ўқишини давом эттиряпман, – дейди у. Қариндошлар, танишлардан келган буюртмаларни тикияпман. Бизга янги имкониятларни яратиб берәётган давлатимизга катта раҳмат! Барча ҳа-

мортларимнинг ўз ишларини очишиларига тилакдошман, – дейди С. Ахмедова.

Шимкент шаҳар ҳокимлигига қарашли аҳолини иш билан таъминлаш марказининг матбуот хизмати раҳбари Даурен Дуйсебаевнинг айтишича, етим болаларни вояга етказаётган ҳамда боқувчисидан айрилган опа-сингиллар айни дамда даромадли ишни бошлаб юборишиди.

Ҳар қандай ташаббус иштиёқ ҳамда машақатли меҳнатга боғлиқ. Умуман олганда, ўтган йил мобайнида 3478 фуқаро касбий курсларни тамомлади, уларнинг бизнес-режалари маъқуланди. Ва улар грант сохиблари бўлишиди. Уларга ой сайин 16 минг тенге стипендия тўлаб турилди. Расман ишсиз ҳамюрларимиз ўз оиласиавий имкониятларини яхшилаш имконига эга бўлишиди.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

Туркистон вилоят ижтимоӣ тараққиёт бошқармаси жамоаси "Хабар" телеканалининг журналисти Зейин Алипбекка волидаи муҳтрамаси

Онал СЕЙИТБЕК қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласи.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоӣ-сиёсий газетаси таҳририяти "Хабар" телеканалининг журналисти Зейин Алипбекка онаси

Онал СЕЙИТБЕК қизининг оламдан ўтганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги 10-сонли коллеж жамоаси ўқитувчи Абдугоғир Абдусаматовга падари бузруквори

ТУРСИМАТ ота-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чукур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумларнинг охиратини обод қилсин!

ТАБИАТ БИЛАН ТИЛЛАШИБ...



Шундай касблар бўлади, минг йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, халқ маънавий ҳётининг бир бўлагига айланаб қолади. Ана шундай касблардан бири боғдорчиликдир.

Янги Икон қишилогидаги жамоатчи вакилимиз, тажрибали боғбон, Халқаро қозоқ-турк университети кашфиётлар бўлими маҳсус патенти соҳиби Олим Қосимов ўз томорқасида Туркистон вилояти иқлимига мос серхосил мевали дараҳт кўчатлари – олма, ўрик, нок, гилос, бодомнинг турли навларини етиштирмоқда.

У фарзандларини ҳалол меҳнати билан улғайтириб, эл сафига қўшди. Бугун эса невара келин, эваралари атрофиди парвона.

– Томорқада ургу ва кўчат етиштириш ҳам оиласларга яхши даромад беради, – деди боғбон. – Омилкор деҳқон учун ердан қадрли ва бебаҳо неъмат йўқ. Томорқадан унумли фойдаланиш нафақат ўша хонадонга, балки маҳалла-кўй ва бутун жамиятга наф келтиради.

– Боғ яратиш ниятида кўчат излаётган ҳамюртларимиз сизни қаердан топа олади? – сўрадим отахондан.

– 8 776 311 49 49, 8 771 510 36 35 рақамли телефонларим кечакундуз ишлаб туриди.

– Ёш боғбонларга қандай маслаҳат берасиз?

– Боғбонликнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бўлади, албатта. Боғбон ер билан эркин тиллашса, боғдорчилик илмини яхши ўзлаштираса, етиштирган мевалари сифатли ва ракобатбардош бўлади. Даромади ҳам ортади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: О. Қосимов кўчат етиштирилаётган томорқасида.

«ӨРЛЕУ» – БІЛІМНІң БИІГІНЕ БАСТАЙДЫ

Сайрам ауданы, №3 Хамза атындағы жалпы орта мектебінің базасында 2020 жылы қаңтар айында «Өзін-өзі тану пәнін оқытудың ғылыми-әдістемелі негіздері» тақырыбында біліктілік арттыру курсы өтті. Курстың тренері тәжірибелі маман Айжамал Аскарова болды. Айжамал Тұрганбекқызы бізге өзін-өзі тануннің қыр-сырын түсіндіріп, жаңа тәсілмен көптеген сабактар жүргізді. Үстазы жақсының – ұстанымы жақсы, демекші, бізді шығармашылық-ка, оқушыға шабыт беруге ўртеткен ұстазымыздың рухани-адамгершілікке үйрететін сабактарынан жақсы әсер алдық, Нұр балаларға Нұрлы Үстаз болу көркөтін үйрәндік. Өзін-өзі тану пәні туралы айтқан дәрістерден біз өз пәнімізге, балаға, қоршаган ортаға деген риясyz сүйіспеншілікпен қарым-қатынас құру атмосферасын құруды үйрәндік. Аз ғана үақыт ішінде апай мұғалімдердің көңілінен шықты. Жан-жақты, ғылыми терең өтілген дәрістер бізді тек айналамаызға жақсылық жасауға үртetti.

Үстазға қажымайтын жігер, оқытуға, білдіртуге деген құштарлық, езіне, шәкіртке қатаң талап қоюдан бұрын баланы жақсы көрү қажет, сабака деген

зор ілтипат, жүйелі педагогикалық іс-әрекеттері болуы міндетті. Курс барысында түйгеним шәкірт ұстазына қарап өседі, еліктейді, себебі, нағыз ұстаздар сабакқа деген сүйіспеншілігін шәкіртке деген сүйіспеншілікпен ұштастыра білсе, сол сабактан шәкірт шабыттанса, ол үйіне келгенде, сол сабакқа дайындаларда сол ұстаз бейнесін, іс-әрекетін елестете отыра, жан тәнімен орындауға тырысады, шәкірттің сабакқа, ұстазға деген сүйіспеншілік сезімінен оның шығармашылығы оянады. Міне, ұстаз шеберлі! Үстаздың барлық мактандышы, шаттығы – оның шекіртері.

Шәкірттеріміздің бойындағы жалпы адамзаттың құндылықтарды дамытуға, зор ықпал еткен «Өрлеу» біліктілікти арттыру үлттүк орталығы акционерлік қоғамының Түркістан облысы және Шымкент қаласы бойынша филиалы педагогикалық қызыметкерлердің біліктілігін арттыру институтының ұқымына және тренеріміз Айжамал Аскаровага алғысымыз шексіз.

Дилбайар НИШАНБАЕВА,
№3 Хамза ЖОМ бастауыш
сынып және өзін-өзі тану
пәнінің мұғалімі.
Сайрам ауданы.

Бош мұхаррир – Алишер Фоғуржон ўғлы СОТВОЛДИЕВ.

Бўлимлар:

Умумий бўлим – Мухтабар УСМОНОВА.
Адабиёт ва санъат, спорт – Хуршид КЎЧКОРОВ.
Обуна, реклама ва зылонлар – Зокиржон МЎМИНЖНОВ.

Махсус мұхбирлар:

Туркистон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тұлебий, Қазигурт – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Сайрам, Тулкибош – Ислом НИ҆ЗАЛИЕВ. 8(72531) 24-274.

Бош мұхаррир
үрінбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –
Авағхон БЎРОНБОЕВ.



Қадрли ҳамюртлар!

Барчамиз кўкламнинг энг эъзозли айёми – Наврӯз байрамини күтиб олишига ошиқамиз. Бу лаҳзарларда қалбимизни қувонч эгаллайди. Үзимиз билмаган ҳолда чор-атрофода-гиларга факат яхшилик қилиш, эвазига самими тилаклар эшишишни истаб қоламиз.

Буларнинг ҳаммаси кўхна ва ҳамиша наққирон Наврӯз туфайлиди. Шундай экан, айём шукуҳи ўип бўйи қалбимизни тарқ этмасин, янгиланиш, ёшариси фаслида қилган савобли ишларимиз ҳамиша ижобат бўлсин, жона-жон Қозогистонимизда тинчлик-тотувлик ҳукм сураверсин, хонадонлардан эса шодлик аримасин.

Бадриддин НИШОНҚУЛОВ,
Туркистон вилоят маслаҳати депутати, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси.



ЛЕНГЕРДА АРЧАЗОР БАРПО ЭТИЛАДИ



“2022 йилгача Тұлебий тұманини кўкаламзорлаштириш концепцияси”га мувофиқ жорий ийилда 10 минг туп мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, Кемеқалған қишлоқ округи, Абай овулидаги 150 оиласы дараҳт кўчатлари бепул тарқатилди. Туманда сўнгги беш йилда амалга оширилаётган «Яшил ўлқа» дастурининг ташаббускорлари, яъни бир гурух тадбиркорлар ҳам бу тадбирда фаол иштирок этмоқда.

Туман ҳокими Бауржан Үмарбеков ва тадбиркор, вилоят мас-

лаҳати депутати Асет Қаипбеков бошчилигига Абай овулида 2 чақирим узунликдаги ариқ бўйига мевали дараҳт кўчатлари ўтказилди. 5 мингдан зиёд одам истиқомат қилаётган округдаги сайловчилирига 10 минг туп мевали дараҳт кўчатини ҳадя қилган депутатга туман раҳбари миннатдорчилик билдириди.

Режа бўйича 14та қишлоқ округидаги 150дан зиёд аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш мақсадида туманда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Сайёхлар кўп келадиган Олатов ва Қасқасув қишлоқ округлари ҳудудида ҳам

минглаб турли кўчатлар ўтказилди.

– Бугунги кунда йирик аҳоли манзилларидаги кўкаламзорлаштириш ишларини режа асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, – деди туман раҳбари. – Бу эса эса ўз навбатида одамларнинг, турмуш маданиятидан далолат беради. Бундан ташқари, элизимизда вирус тарқалди, деб ҳеч ким оёқ узатиб ётгани йўқ. Ленгерт шаҳридаги Бектаев ва Тұлебий кўчалари бўйларига 300 туп ва Қапал батир кўчасида 1000 туп арча кўчати ўтказилади.

Б. ДЎСМАТОВА.
Муаллиф суратга олган.

● Соҳир түйғулар



Баҳор келди. Яна қалбларда үйғонар ширин түйғулар... Гўзларнинг ошуфта кўнгилларда-чи, жўшар ажаб ҳислар. Она табиат этагига ёпишган лойларини баҳор ёғмирида ювиб тозалар, қишининг пўстини ечилиб, кўкракни майин шабада сийпалар, майсалар ва дала гуллари, ниҳоят, узоқ ўйқудан үйғонар...

Мен эса юрагимга яқинимни излаб, қир-адирларда кезаман ёлғиз. Она Табиатнинг сеҳридан маст бўлиб, атрофга қарайман сукланниб. Кўк майсалар орасидан сиёхранг гулларин кўз-кўз қилиб, мени ўзига мағфут этар бир малак, бегубор чақалоқдай қиқирлаб кулиб. Секин бораман қошига. Вой, БИНАФША-ку!... Мунчоқдай қора кўзларига боқсам, маъюс нигоҳларда ғаройиб рўё, у ҳам мен каби баҳорни, Наврӯзни согинган гўё.

Бинафшагинам, нағасларинг жонимда, хотиралар жўш уради қонимда. Муаттар ифорларинг сочилар ариқ бўйида, кўнгил яйраб орзиқар, сенинг васлинг қўйида. Нафармон гулим, чайқаласан, эгиласан, айланайин бўйингдан, мен эса девонаман, ўзгинангнинг кўйингда... Бир

кўрмоқза зор бўлиб, турибман қошларингда, айт, не савдолар бор эди, бу шўрлик бошларингда?..

Интиқ бўлиб келдим, сўзла, Бинафшагин, юрагингни оғртган ким? Нега шовқин солмайсан, дилингда не гаплар бор, айтмасдан турибсан жим? Қайси беор қўйди қалбинга мусибат-қайғу, мурғак дилинг тилимлаб, ошинга солди оғу, айт! Емонлар кўп, алдар сени, мұноғиғлар кўп унданда. Аямаслар улар ҳеч кимни ўзманфаати йўлида. Сен эса, нозик гулим, бардам бўл! Ҳаёт синовлари, бўронлару довуллар олдинда ҳали, аммо, ишон, нурағшон кунлар ҳам келади ҳали! Не бўлсада, бошинг эгма пастларга, мағрур тургин, берма сиринг касларга.

Бинафшагинам, сен фақат яхшиларга бўлғин йўлдош, Аллоҳимнинг ўзи ато этар сенга бардош! Озод гулим, мағрур гулим, ўзингга жоним құрбон, бизни тарқ этма асло, бўлғин омон! Ҳар баҳор излагандан топай сени, ошиғингман умрбод, унутма мени.

Саодат МҮМИНБОЙ қизи.

Муассис – Туркистон вилояті ҳоқимлиги.

Мулк эгаси – "Turkistan Media Holding" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Маколалар, эълон ва билдирилардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчиликлар масъулдор. • Фойдаланылмаган маколаларга ёзма жавоб кайтарилимайди. • Қозогистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборат вазирига томонидан 2020 йил 16 марта рўйхатга олиниб, KZ42VRP00021292 гувохнома берилган.

Буюртма: 802.

Навбатчи мұхаррир: Мунира СА҆ДУЛЛАЕВА.